



## НАФАҚАТ ТАРИХИМИЗ, БАЛКИ КЕЛАЖАГИМИЗ, ҲАЁТИЙ МУҲИМ МАНФААТЛАРИМИЗ ҲАМ УМУМИЙ ВА МУШТАРАКДИР



Давлатимиз раҳбарининг АҚШга сафари тигиз кун тартибда самарали ўтмоқда. Жумладан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Европа кенгаши Президенти Шарль Мишелни қабул қилди. Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқни, энг аввало, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва гуманитар соҳаларда янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Шунингдек, Америка-Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэм, "Orpenheimer" инвестиция компанияси бошқарувчи директори Жон Тонелли, "GE HealthCare" компаниясининг Европа, Яқин Шарқ ва Африкадаги президенти ва бош ижрочи директори Роб Уолтон, "Cerberus" компанияси вице-президенти Брайан Хук, "СНН" компанияси вице-президенти Стив Надерни, "Cintana" компанияси раҳбари Дуглас Беккер, "Air Products" компанияси бошқаруви раиси, президенти ва бош ижрочи директори Сейфи Гасеми билан учрашувлар ўтказилди. Халқаро валюта фонди бошқарувчи директори Кристилина Георгиева билан глобал иқтисодий вазият юзасидан батафсил фикр алмашилди.

Қўшма Штатларда яшаётган ва ишлаётган бир гуруҳ ватандошларимиз ҳамда ушбу мамлакатнинг етакчи олий таълим даргоҳларида таҳсил олаётган "Эл-юрт умиди" жамғармаси стипендиатлари билан учрашуви алоҳида қайд этиш жоиз. Очиқ ва жонли мулоқот шаклида ўтган тadbирда давлатимиз раҳбари Янги Ўзбекистон тараққиёт страте-

гияси тўғрисида сўзлаб берди, мамлакатимиз модернизациясига кўмаклашишда ватандошларимизда улкан салоҳият борлигига эътибор қаратди. Ватандошлар ва уларни бирлаштирувчи ташкилотлар мисли кўрилмаган юқори даражага чиққан Ўзбекистон-АҚШ ҳамкорлигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётгани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари ватандошларимиз билан алоқаларни мустаҳкамлаш, уларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, хорижда ўзбек тили курсларини ташкил этишга кенг кўмаклашиши, ватандошлар Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларини зиёрат қилиши учун махсус туризм хизматлари тўпламларини ишлаб чиқиш режалаштирилган.

– Биз таълим, тиббиёт, иқтисодиётда олиб бораётган янгиланишлар натижасини ҳар бир юрдошимиз ўз ҳаётида ҳис қилиши керак. Сизлардек хорижда ўқиган, йирик компанияларда ишлаб, тажриба орттирган юқори малакали мутахассислар ҳам юртимизга қайтиб келиши ва бутун салоҳияти билан Янги Ўзбекистонни барпо этишда иштирок эта олишлари учун барча шароитни яратилишимиз керак, – деди Президентимиз. – Бугун шу ердаги ҳар бир ўзбекистонликда кучли Ватан ҳисси ва унинг ривожига ҳисса қўшиш иштиёқини кўриб, жуда хурсанд бўлдим. Сизларни Ўзбекистонда кутиб қоламиз.

Учрашув иштирокчилари Президент Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган тўб ва кенг қўламли ислохотлар халқимиз фаровонлигини янада ошириш, юртимизнинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидладилар. Кат-

та компанияларда ишлаётган ва нуфузли олий таълим даргоҳларида ўқийётган ватандошлар ўз фикр ва таклифларини билдиришди. Жамият ҳаёти ва иқтисодиётнинг турли масалалари юзасидан фикр алмашилди. Қаратилмаётган катта эътибор учун самимий миннатдорлик билдириб, ватандошлар Ўзбекистон ривожига муносиб ҳисса қўшишга тайёригиларни таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Нью-Йорк шаҳрига ташриф дастурига мувофиқ Марказий Осиё мамлакатлари ва Америка Қўшма Штатлари етакчиларининг "С5+1" форматидаги биринчи саммитида иштирок этди. Тадбирда, шунингдек, Америка Қўшма Штатлари Президенти Жозеф Байден, Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Саидир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов қатнашдилар.

Учрашув кун тартибига мувофиқ, савдо-иқтисодий шериклиқни кенгайтириш иштиқболлари, "яшил" тараққиёт, энергетика хавфсизлигини таъминлаш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий қилиш, минтақавий хавфсизлик, терроризм ва трансгегаравий жиноятчиликка қарши курашиш соҳаларида ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Саммитда саккиз йил муқаддам Самарқанд шаҳрида ташкил этилган "С5+1" формати Марказий Осиё давлатлари ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги очиқ ва конструктив мулоқот, барча соҳаларда самарали ҳамкорлиқни ривожлантириш учун муҳим майдонга айлангани таъкидланди.

Давоми 2-саҳифада. ►►

МУНОСАБАТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясида нутқ сўзлаб, ҳамжиҳатлик ва амалий ҳамкорлик руҳини сақлаш, умумий манфаатларни мавжуд зиддиятлардан юқори қўйган ҳолда мамлакатларни жипслаштириш зарурлигини қайд этди.



Актаи ҲАИТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси

## ХАЛҚАРО ТАШАББУСЛАР ДУНЁ ЭЪТИБОРИ МАРКАЗИДА

Кейинги олти йил ичида Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги ҳамкорлик мислсиз юксак даражага кўтарилди. 140 та қўшма дастур ва лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилди. Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош ассамблеясининг 6 та резолюцияси қабул қилинди, Оролбўйи минтақаси аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун махсус Траст фонди фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон БМТнинг қатор нуфузли тузилмалари аъзоси этиб сайланди ва уларнинг ишида фаол иштирок этиб келмоқда. Биргаликда глобал кун тартибга эга, хусусан, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, туризмни ривожлантириш, камбағаллик ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш масалалари бўйича йирик халқаро тadbирлар ўтказиб келинмоқда.

Мамлакатимиз тўлақонли аъзо сифатида БМТнинг мақсад ва низомларига қатъий риоя қилади, ўз овози ва мавқеига эга давлат сифатида эса фавақулда муҳим ва долзарб ташаббусларни илгари суради. Бу, айниқса, 2017 йили, Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош ассамблеяси 72-сессиясида илк чиқишдан буён яққол намойён бўлмоқда. Шундан сўнг Ўзбекистон раҳбари БМТ Бош ассамблеясининг 75-, 76-сессиялари ҳамда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессияси Олий даражадаги сегментида ҳам иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясида сўзлаган нутқидаги принципиал фикрларни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим деб ўйлашимиз. Энг аввало, ҳуқуқий, дунёвий, демократик ва ижтимоий давлат бўлиши Янги Ўзбекистонни барпо этиш сиёсатини қатъий давом эттириш ҳақидаги баёнотни зикр этиш жоиз. Бу дегани, Ўзбекистон "Инсон қадри ва манфаатлари учун" деган эзгу ғоя асосида демократия ва адолат тамойилларини мустаҳкамлашга қаратилган тўб ислохотлар йўлидан дадил илгари боради. Ўз навбатида, шуни таъкидлаймизки, бу, аввало, халқимизнинг манфаатларига тўла жавоб беради. Хусусан, глобал таҳдидларга қарамасдан, сўнгги олти йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми бир ярим мартадан ортиқ кўпайди ва 2030 йилга қадар бу кўрсаткични яна 2 баробарга ошириш режалаштирилган. Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган сиёсат туфайли мамлакатимизда 2017 йилдан буён камбағаллик икки баробарга камайди. 2030 йилгача уни 7 фоизга тушириш режа қилинган.

Ташқи сиёсатда Ўзбекистон учун бундан буён ҳам Марказий Осиёда яхши қўшничилик, барқарорлик, ўзаро ҳамкорлик ва ривожланиш муҳитини мустаҳкам-

лаш йўлидан қатъий бориш муҳим аҳамиятга эга. 2017 йилдан буён Ўзбекистон ва барча қўшни мамлакатларнинг биргаликдаги савй-ҳаракатлари туфайли давлат чегаралари, транспорт коридорлари ва сувдан фойдаланиш бўйича муаммоларни бартараф этишга муваффақ бўлинди. Хусусан, минтақа давлатлари ўртасида ўзаро савдо икки ярим баробардан зиёд, қўшма корхоналар сони эса беш марта ўсди. Минтақамиз иқтисодий ривожланиш марказига, Шарқ ва Фарбни, Шимол ва Жанубни боғлайдиган транспорт-коммуникация кўпригига айланиб бормоқда.

Шавкат Мирзиёев куни кеча БМТнинг юксак минбарида илгари сурган глобал ва минтақавий долзарб масалалар ечимига қаратилган қатор ташаббусларга тўхталиб ўтсак.

Биринчидан, Марказий Осиё ёшларини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этиши ва унинг доирасида "Марказий Осиё ёшларининг кун тартиби – 2030" дастурини ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Иккинчидан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Терроризмга қарши кураш бошқармаси шафелигида уруш ҳудудларидан қайтганлар билан тизимли ишлаш бўйича Минтақавий экспертлар кенгашини тузишга қаратилган амалий қадамларни ташлади.

Учинчидан, сўнгги пайтларда айрим мамлакатларда кўзга ташланаётган диний тоқатсизлик, исломофобия ҳолатларига йўл қўймасликка чақирилди. Ўзбекистонда ЮНЕКО шафелигида Динлараро мулоқот ва бағрикенглик халқаро марказини ташкил этиш таклиф қилинди.

Тўртинчидан, инкор қилиш, яққалаб қўйиш ва санкциялар қўллаш оддий афғон халқининг аҳволини янада оғирлаштириши ўқтирилди. Минтақамизга тинч ва барқарор, минтақавий ҳамкорликда фаол иштирок этадиган, қўшнилари ва бошқа мамлакатлар билан ўзаро манфаатли шериклик учун очиқ Афғонистон керак.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, 1945 йилда асос солингандан буён БМТ халқаро миқёсда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, барқарор ривожланишни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашда марказий мувофиқлаштирувчи роль ўйнайдиган том маънодаги универсал халқаро тузилмага айланди. Ўзбекистон эса БМТнинг тенг ҳуқуқли ва тўлақонли аъзоси сифатида тенглик, ҳамкорлик, кўп қирралilik ва халқаро сиёсий тизимнинг ҳимоя қилиш тамойилларига содиқлигини кўрсатмоқда.

### БУГУНГИ СОНДА:



“ХАЛҚНИНГ  
ДУОСИДАН  
УЛУҒРОҚ  
БОЙЛИК  
ЙЎҚ”

БИРИНЧИ  
БЎЛИШ  
ОСОН  
ЭМАСДИ...



3с



АЁЛИНИ  
ЭЪЗОЗЛАЁТГАН  
ЮРТ  
ЮКСАЛАВЕРАДИ

4с



НИЗОМ ТАЛАБЛАРИ БУЗИЛГАН  
тадбиркор эса идорасига қиролмай ҳалал

ҚАМАЛДАГИ  
КОРХОНА  
ТАҚДИРИНИ  
КИМ ЎЙЛАЙДИ?

5с



# НАФАҚАТ ТАРИХИМИЗ, БАЛКИ КЕЛАЖАГИМИЗ, ҲАЁТИЙ МУҲИМ МАНФААТЛАРИМИЗ ҲАМ УМУМИЙ ВА МУШТАРАКДИР

◀◀Бошланиши 1-саҳифада.

Учрашув якунида минтақа мамлакатлари ва АҚШ ўртасидаги ўзаро англашувни янада чуқурлаштириш ва амалий шерикликни кенгайтириш юзасидан келишувларга эришилди.

19 сентябрь куни Нью-Йорк шаҳридаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош қароргоҳида БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясининг умумсиёсий мунозаралари бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Ҳамжиҳатлик ва амалий ҳамкорлик руҳини сақлаш, умумий манфаатларни мавжуд зиддиятлардан юқори қўйган ҳолда мамлакатларни жипслаштириш зарурлиги таъкидланди.

– Биз ўтган йили умумий хавфсизлик ва тараққиётга қаратилган “Самарқанд бирдамлик ташаббуси”ни илгари сурдик. Асосий мақсадимиз мамлакатларимиз ва халқларимизнинг бутунги куни ва истиқболни учун маъсулиятни ҳар томонлама чуқур англаш, очиқ ва конструктив ҳамкорликка тайёр барча томонларни глобал мулоқотга жалб қилишдан иборат, – деди Ўзбекистон етакчиси.

Мамлакатимиз глобал таҳдидларга қарамасдан, барқарор ўсиш суръатларини намён этаётгани қайд этилди. Сунгги олти йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми бир ярим мартадан ортиқ кўпайди. Бош мақсад – 2030 йилга қадар бу кўрсаткични яна 2 баробарга оширишдир. Иқтисодиётимизни либераллаштириш йўлидаги яна бир устувор вазифа – яқин орада Жаҳон савдо ташкилотига тўлақонли аъзо бўлиш.

Президентимиз таъкидлаганидек, инсон капиталини ривожлантириш ва креатив ёш авлодни тарбиялаш – Ўзбекистон ўз олдига қўйган стратегик вазифалардан биридир.

Кейинги йилларда бу борада катта тажриба тўпланди – таълим тизими тубдан ўзгармоқда. Утган олти йилда мактабгача таълимдаги қамров 21 фоиздан 70 фоизга, олий таълимда эса 9 фоиздан 38 фоизга етди. 2030 йилга қадар ҳар бир боланинг боғчага қатнаши, мактабни битираётган ҳар икки ўқувчининг бири эса олийоҳда ўқиши учун имконият яратилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон бундан буён ҳам Марказий Осиёда яхши кўшничилик, барқарорлик, ўзаро ҳамкорлик ва ривожланиш муҳитини мустаҳкамлаш йўлидан қатъий боришини қайд этди.

– Ишонч билан айтиш мумкин, бизнинг халқларимизни минтақавий ўзига охосликни англаш туйғуси

бирлаштирмоқда ва бу туйғу тобора кучайиб бормоқда, – деди Шавкат Мирзиёев. – Бизнинг нафақат тарихимиз, балки келажагимиз, ҳаётий муҳим манфаатларимиз ҳам умумий ва муштаракдир. Минтақавий ҳамкорлигимизни кенгайтиришдан бошқа йўлимиз йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас!

Ҳозирги вақтда дунёда кескин экологик вазият кузатилиб, сайёраимиз миқёсида учта инқироз, яъни иқлим ўзгариши, биохилма-хиллик йўқолиши ва атроф-муҳит ифлосланиши кучайиб бораётганини қайд этиб, Президентимиз Марказий Осиё иқлим ўзгаришлари олдига энг заиф минтақалардан бирига айланаётганини кўрсатиб ўтди.

– “Марказий Осиё иқлим мулоқоти”ни жорий этишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман. Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг “Марказий Осиё глобал иқлим таҳдидлари қаршисида: умумий фаровонлик йўлида ҳамжиҳатлик” резолюциясини қабул қилиш ташаббусини илгари сурамиз. Унинг асосий мазмунини келгуси йил Самарқандда бўлиб ўтадиган халқаро иқлим форумида муҳокама қилишнинг тақдир этиамиз, – деди Ўзбекистон Президенти.

Жаҳон миқёсида динлараро бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик ғояларини кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистонда ЮНЕСКО шафелигида Динлараро мулоқот ва бағрикенглик халқаро марказини ташкил этиш тақдир қилинди.

– Диёримиз жаҳон илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган, исломни илм-маърифат ва тинчлик дини сифатида намён этган Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий сингари улғу аллома ва мутафаккирлар ватани экани билан ҳақли равишда фахрланамиз, – деди давлатимиз раҳбари.

Шундай буюк олимларнинг бой меросини ўрганиш, исломнинг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб бериш мақсадида 2024 йил Ўзбекистонда “Ислом – тинчлик ва эзгулик дини” мавзусида халқаро конференция ўтказиш ташаббуси илгари сурилди.

Афғон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни сўсийтирмаслик лозим, деган фикрни билдириб, Президентимиз Афғонистоннинг музлатилган халқаро активларини бу юртдаги ўткир ижтимоий муаммоларни ҳал этишга йўналтириш учун мақбул механизмларни ишлаб чиқишга чақирди.

Сўзининг якунида давлатимиз раҳбари барчамиз ҳозирги тарихий

туб бурилиш палласида келгуси авлодларга сайёраимизни қандай ҳолда қолдириш ҳақида ўйлашимиз лозимлигини қайд этди: “Мустаҳкам тинчлик ва фаровонликка фақат умумий интилишлар ва биргаликдаги ҳаракатлар билан эришиш мумкин. Бизга ўзаро ишонч, бирдамлик ва ҳамкорлик руҳи ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ зарур”.

БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессияси тадбирлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатлари Президентини Жозеф Байден билан учрашуви бўлиб ўтди. Икки томонлама муносабатлар ва минтақавий ҳамкорлиқнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. АҚШ Президенти мамлакатимиз мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳамда Янги Ўзбекистонда амалда оширилаётган ва муқаррар тус олган ислохотлар сиёсатини қўллаб-қувватлашни тасдиқлади.

Жаҳон савдо ташкилоти бош директори Нгози Оконжо-Ивеала билан ўтказилган учрашувда Ўзбекистоннинг тез фурсатда ЖСТга аъзо бўлиши бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Шунингдек, Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёль билан икки мамлакат ўртасидаги алоҳида стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш билан ҳам учрашув ўтказди. Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлигини янада кенгайтириш истиқболлари, энг аввало, барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий вазифа ва мақсадларни рўйбга чиқариш масалалари муҳокама қилинди. Музокаралар якунида Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги кенг қўламли шерикликни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Мақола якунида давлатимиз раҳбарининг қатъият билан айтган бир фикрини келтирмоқчимиз: “Биз Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатини фаоллаштириш юзасидан бошлаган кенг қўламли ишларни, миллий манфаатларимизга жавоб берадиган, очиқ, прагматик ва чуқур ўйланган ташқи сиёсат йўлини давом эттирамиз. Олис ва яқиндаги барча давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини узоқ муддатли ва кўпқиррали шериклик асосида олиб бориб, уларни албатта, янги, янада юксак босқичга кўтарамиз”.

Фаррух ЖАББОРОВ тайёрлади.



## “ХАЛҚНИНГ ДУОСИДАН УЛУҒРОҚ БОЙЛИК ЙЎҚ”

ДЕЙДИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ШАРОФ РАШИДОВ ТУМАН КЕНГАШИДАГИ O'zLiDeP ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ АЪЗОСИ, ЖИЗЗАХЛИК ТАНИҚЛИ ТАДБИРКОР АҚМАЛ АҲМЕДОВ

**Илгари маҳаллий кен-гашлар депутатларини биров танимасди. Айниқса, туман даражасидаги халқ вакиллари қозғоғда фаолият кўрсатарди, ҳолос. Электорат кайфияти яхши-ёмонлиги билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди.**

Эндиликда вазият тубдан ўзгарди. Янги Ўзбекистондаги очиқлик ва ошкораликка таянган маъмурий ислохотлар туфайли депутат ва сайловчи муносабатлари ҳам янгича асосда йўлга қўйилди. Одамлар бугун ўзи сайлаган депутатни истаган вақтида толиб гаплаша олади. Қолаверса, партиянинг қўйи бўлиналари маҳаллий депутатлар ишини мувофиқлаштириб, электорат билан алоқани янада яқинлаштиряпти.

Сайловчи ҳам аввалгидек дафтнинг ўртасидан юлинган қўш вараққа дардини тўкиб, конвертга солиб, почтага бориб юрмайди. Ўзи овоз берган депутатга электорат хабар қолдириши кифоя. Ё шу кунни ёки эртасига депутатнинг ўзи унга телефон қилади. Муаммоларини эшитишади. Зарур бўлса, олдида дарров келади. Қайсидир замондагидек кузги ёҳуд баҳорчи учрашувларни қутиб ўтирмайди.

Биз тилга олган тартибда фаолият кўрсатаётган жонқуяр депутатлардан бири Халқ депутатлари Шароф Рашидов туман кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Ақмал Аҳмедовдир. У ўз сайлов округидаги муаммоларни “маҳаллабай” кесимида, хонадон-ма-хонадон юриб ўрганади. Массулиятсизлик орқали юзага келганларини жойида ҳал этади. Ёчимиз вақт ва маблағ талаб этадиганларини эса депутатлик сўрови институти имкониятларидан фойдаланган ҳолда мутасаддиларга йўналтиради. Белгиланган муддатда кўриб чиқилиши ва ижроси таъминланишини қонунлардаги ваколати доирасида изчил назоратга олади. Шундай қилмасдан электоратнинг ишончини қозониб бўлмаслигини яхши англайди.

Бошқача айтганда, элга танилган тадбиркор депутатлик ишини оқилона тадбирлар орқали амалга оширади. Истиқболли ғоялар одамлар орасида юрганида туғилишини ич-ичидан ҳис қилади.

“Ўзинг яхши – олам яхши” деган ҳаётий ҳикматнинг амалий тасдиғини Ақмал Аҳмедов шу йилнинг августидан яна бир марта ўз фаолияти мисолида яққол кўрди. Наинки тадбиркорликдаги ютуқлари, айна пайтда электорат билан ишлашдаги фаоллиги, одамлар оғирини енгил қилишдаги саъй-ҳаракатлари эътироф этилди.

20 август – Тадбиркорлар кунини муносабати билан Президентимизнинг фармони асосида мукофотланган бир гуруҳ бизнес вакиллари янги муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Мукофот соҳибларини яқинлари қаторида ҳамкасблари ва ҳамқишлоқлари, ён қўшини-жон қўшини бўлиб яшайдиган маҳалладошлари табриклаши табиий. Улар Ақмалнинг кўксига “Шуҳрат” медали жуда ярашганини айтишди.

Бу албатта бежиз эмас. Чунки ёш тадбиркор раҳбарлик қилаётган “EUROAZIYA MOTORS” массулияти чекланган жамияти нафақат харидорларга автомобиль етказиб бериш, балки қурувчилик, балиқчилик, иссиқхона йўналишида ҳам кенг қўламли фаолият олиб боради. Боз устига, у туман ҳокимининг Қатортол маҳалласида тадбиркорлигини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ёрдамчиси сифатида ҳам тиниб-тинчимайди.

Айни пайтда O'zLiDeP депутати етакчилик қилаётган МЧЖда 65 киши доимий, 200 киши мавсумий иш билан таъминланган. Ишнинг кўзини биладиган тадбиркор қисқа муддатда йирик-йирик лойиҳаларнинг бунёд этилишида қатнашиб, эл назарига тушди. Жумладан, Жиззах шаҳрининг Сангзоркўл ҳудудидан жаҳон андозалари даражасидаги велотрасса мажмуасининг сифатли барпо этилишига бош-қош бўлди.

Франция, Нидерландия, Хитой ва Беларуснинг малакали мутахассислари билан биргаликда қурилган ушбу трассанинг умумий қиймати 19,4 миллион сўмни ташкил қилади. Айни пайтда мажмуа жаҳон велосипедчилари уюшмаси мутахассислари синовидан ўтказилиб, халқаро мусобақаларни ўтказиш учун махсус сертификатга эга бўлди.

Трасса иккита старт чиқиқли бандликлардан иборат бўлиб, 5 метрлиги ҳаваскорлар, 8 метрлиги эса профессионаллар ўртасида нуфузли мусобақаларни ўтказиш учун мўлжалланган. Экспертлар бундай велотрасса Марказий Осиёда саноқли эканини фахр билан қайд этмоқдалар.

Бугун Жиззах шаҳрига кўрмага кўрқ бағишлаб турган бир қатор кўп қаватли тураржой бинолари ҳам Ақмал Аҳмедов бошчилигидаги жамият қурувчилари томонидан бунёд этилган.

Корея технологияси асосида қурилган 8 гектар майдондаги иссиқхонадан бу йил ички бозорга

1 миллиард 400 миллион сўмлик, ташқи бозорга эса 100 минг доллар қийматдаги маҳсулот чиқарилди. Экспорт ҳажми тобора ошмоқда. Бундан ташқари, 5 гектардаги балиқчилик ҳўжалигида йилга 20 тонна балиқ етиштирилмоқда.

– Тадбиркорлар кунини олдин Президентимиз билан ташкил этилган очиқ мулоқотда иштирок этиб, олам-олам таассурот олдим, – дейди Ақмал биз билан суҳбатда. – Менимча, дунёнинг бирорта мамлакатидан бизнес вакиллари тадбиркорлар давлат раҳбари билан бундай очиқ мулоқот майдонига эга бўлмаса керак. Бу ҳам бўлса, бизнинг бахтимиз. Кўтарилган ҳар бир масала, айтилган ҳар бир фикр ва мулоҳаза, тақдир, берилган янги солиқ имтиёзлари фақат ва фақат тадбиркорлар манфаатига қаратилди. Ён муҳими, Президентимизнинг биз, тадбиркорларга бўлган эътибори ва самимиияти, ишончи нафақат мени, мулоқотда иштирок этган барча-барчани янги-дан-янги ишларга илҳомлантирди, кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди...

Қаҳрамонимизнинг ҳаяжонли сўзларида жон бор. Зотан, давлатимиз раҳбарининг қуйидаги давлати ҳеч кимни беъэтибор қолдирмади: “Биз айрим мамлакатлар каби нефть-газ ресурсларини сотиш ҳисобига юқори иқтисодий ўсишнинг таъминлай олмаймиз. Бизнинг нефтимиз ҳам, газимиз ҳам бу – сиз каби ташаббускор ва ишбилармон тадбиркорлар ҳомашёдан яратётган юқори қийматли ва сифатли маҳсулотлардир”. Дарҳақиқат, биз Янги Ўзбекистонни сифатли, рақобатбардор маҳсулотлар етиштирадиган мамлакатга айлантиришимиз зарур.

Бу шунчаки бандларвоз гаплар эмас. Гарчи бизнес вакиллари кўп ҳолларда янги лойиҳаларни амалга оширунча овоза қилишни ёқтирмаса-да, ёш тадбиркор бу борадаги саволиминизни жавобсиз қолдиришга истиҳола қилди. Маълум бўлишича, айна пайтда Ақмал Аҳмедов бошчилигидаги жамоа аъзолари ҳам энг замонавий технологиялар асосида қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона бунёд этиш тараддудида экан.

Хулоса ўрнида Президентимиз билан бўлган учрашув тадбиркорга анчадан бери пиштиб юрган янги ғоя ва лойиҳаларини иккиланмасдан амалга оширишга кучли туртки берганини англаб етганимизни маълум қилиш кифоя, назаримизда.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,  
“XXI asr” мухбири

O'zLiDeP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚўМИТАСИДА

## АКТАМ ХАЙТОВ ЮЙ ЦЗЮНЬ БИЛАН УЧРАШДИ

Тузилганига яқинда йигирма йил тўлаётган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг халқаро алоқалари доирасида йил сайин кенгайиб бормоқда. Шу маънода Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Актам Хайтов билан Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юй Цзюнь билан учрашуви самимий мулоқот руҳида кечганини алоҳида таъкидлаш лозим.



Мамлакатдаги етакчи сиёсий куч раҳбари Хитой элчисига мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган халқчил ислохотлар ва бу жара-

ёнларда сиёсий партияларнинг роли ва ўрни, шунингдек, O'zLiDeP фаолияти ҳақида атрафлича маълумот берди.

Дўстона суҳбат давомида Ўзбекистон би-

лан Хитой ўртасида, айниқса, кейинги йилларда барча соҳаларда ҳар томонлама ривожланиб бораётган халқаро ҳамкорлик алоқалари билан уйғун тарзда икки давлат ўртасидаги партиялараро ришталарни янада кенгайтириш масалалари юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашилади.

Суратларни  
Сардор АМИНЖОНОВ  
олган.





# БИРИНЧИ БЎЛИШ ОСОН ЭМАСДИ...

Истиқлол йилларида Қашқадарёда ҳам тадбиркорликка эътибор кучайди. Ўшанда кимдир савдо-сотиқни ривожлантириб яхшигина сармоя эгаси бўлди, қўша-қўша иморатлар солди, кимдир эса сўнгги русумдаги машиналарни сотиб олишга киришиб кетди. Яна қайсидир “ишбилармон” устамонлик қилиб, арзон гаровга эски бино ёки техникаларни эгаллаб қўйди. Мен эса бошқа йўлни танладим: хориждан янги ускуналар келтириб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга киришдим.

Дунёнинг Германия, Италия, Чехия, Швеция, Финляндия, Хитой каби ривожланган давлатларида малака ошириб, кичик бизнес, тадбиркорлик субъектлари ва қўшма корхоналар фаолияти билан яқиндан танишиб, тажриба орттирдим. Шундан сўнг аҳоли бандлигини таъминлаш, шаҳар иқтисодини юксалтиришдек эзгу ишга бел боғлаб Қашқадарё вилоятга биринчи бўлиб хориж инвестициясини олиб кириб, замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим. “Ал Саид” компаниясини очиб, 500 дан ортиқ ёшларни ва ногиронларни иш билан таъминладим.

...2003 йил декабрь ойида қашқадарёлик сафдошларим мени мамлакат сиёсат майдонига энди-гина кириб келган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши раиси этиб сайлашди. Тадбиркор-сиёсатчи сифатида партиянинг дастурий мақсадларини одамлар орасида кенг тарғиб қилишга киришдим. Ҳеч ёдимдан чиқмайди: 2004 йили “На-саф” стадионида 12 минг йигит-қиз иштирокида тарғибот тадбири ташкил этдик. О'зЛиДеР вилоят кенгаши ва туманларда партиянинг ташкилий тузилмасини шакллантириш, партия аъзолари сонини кўпайтириш ва уларнинг сиёсий билимларини ошириш, бошланғич ташкилотлар ишини йўлга қўйишда бир гуруҳ шижоатли тадбиркорлар ёнимда суяч бўлди. Худудий партия ташкилотларининг биринчи конференциялариданок ишбилармонлар, фермерлар, партия электоратининг, ёшларнинг партия дастурий мақсад ва вазифаларига қизиқишлари, ишончлари орта-



Махмуд САЙДАЛИЕВ, О'зЛиДеР Қашқадарё вилоят кенгашининг биринчи – 2004–2008 йиллардаги раиси, Қарши шаҳридаги “Ал Саид” компанияси раҳбари

ни ҳам бу ҳаракат айна вақтида сиёсат майдонига кириб келганини яна бир бор исботлаб берди.

2004–2008 йилларда 700 дан ортиқ хайрия тадбирлари ташкил этилиб, кам таъминланган оила-лар ва ногиронларга 250 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Воҳадаги барча болалар оромгоҳлари-га тадбиркорлар ҳомийлигида 140 миллион сўмлик спорт анжом-лари ва жиҳозлар тарқатдик. Компаниямиз ҳомийлигида ўтган давр мобайнида маҳалла, мактаб ва кол-лежда биттадан мини-уйингоҳ қуриб берилди.

“Вилоят аҳолисини қийнаб келаётган энг долзарб муаммоларнинг ечимини топиб, Ватан тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг жадал суръатлар билан амалга оширилиши учун масъулиятни ўз зиммасига олган сиёсий куч сифатида халқнинг ишончини қозондик.”

Биз ўшандаёқ тадбиркорликни ривожлантириш орқали мамлакат тараққиёти таъминланади, шунинг баробарида халқнинг турмуш фаровонлигини ҳам ошириш мумкин, деган ҳаётий ғояни илгари сурдик. Юртимизда мулкдорлар синфининг етарли даражада шаклланиб улғуришини таъминлаш, янги иш бошлаган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш билан бирга, уларнинг бизнес соҳасидаги билим ва кўникмаларни эгаллашига кўмаклашиш, ҳуқуқий, сиёсий саводхонлигини оширишга

асосий эътибор қаратдик. Фуқароларда тадбиркорлик кўникмаларини ҳосил қилиш, керак бўлса, ишбилармонликка ижобий муносабатни шакллантириш, жамиятда ҳар бир инсоннинг ўз ўрни борлиги, аввало, ҳар бир шахснинг кадр-қиммати улуғлигини англаш лозимлигини ўқитдик.

Бугун фахр билан айта оламизки, воҳамиздан юрт тинчлиги ва фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ислохотларга камарбаста бўла оладиган неча юзлаб ташаббускор ва ташкилотчи, асосийси, иқтидорли, фидойи инсонларни кашф қилдик. Уларнинг аксарияти ҳамон сафимизда собитқадамлик билан фаолият юритмоқда.

Бир сўз билан айтганда, партиянинг Қашқадарё вилоят кенгаши бугунги кунда мамлакат сиёсий майдонида ўзининг алоҳида ўрнига эга бўлибгина қолмасдан, мафкурамиз негизини ташкил этувчи либерал-демократик ғояларнинг жамиятда долзарблиги исботи сифатида аҳолининг кенг қатламларини жалб қилиб, уларни ягона мақсад ва янги режалар сари бирлаштириш йўлида мардона ҳаракат қилмоқда. Муболагасиз айтиш керакки, О'зЛиДеР ўзининг йигирма йиллик жўшқин, натижадор фаолияти мобайнида муросасиз баҳс-қурашларда то-бланди. Айниқса, ўз электорати манфаатларини, аниқ мақсадларга йўғрилган ғоясини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган му-стаҳкам сиёсий куч эканини амал-да исботлай олди.

Бугун яна бир хайрли ишлардан қувонади киши: бу, халқимизнинг сиёсий онг ва тафаккури ошиб, фаоллиги ортгани сайин тадбиркорлик ривожланиб, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлиги яхшиланиб бормоқда. Ишонаманки, ташаббускорлиги ва сиёсий фаоллиги билан барчага ибрат бўлаётган миллионлаб маслак-дошларимиз бундан буён ҳам бор куч-ғайратларини мустақил-лигимизни мустаҳкамлаш, янги Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнаши, халқимиз фаровон-лиги йўлида сарфлайверадилар.

“XXI asr” мухбири Сайфулла ИКРОМОВ ёзиб олди.



Ҳамза РЎЗИЕВ, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати Бухоро вилояти бўлинмаси раҳбари, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати

## ТАРАҚҚИЁТНИ ТЕЗЛАШТИРУВЧИ “ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

“Ўзбекистон–2030” стратегияси бутун мазмун-моҳияти билан “ДАВЛАТ ИНСОН УЧУН” деган ҳаётбахш тамойилни илгари сурадиган муҳим дастур экани билан аҳамиятлидир

Бу ўзига хос ҳужжат лойиҳаси жорий йилнинг август ойида кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилгандаёқ долзарб жиҳатлари элнинг тилига тушганди. Дастур матни барча-барчага ҳавола этилган кундан бошлаб таклифлар айтил-ганди. Оз эмас, кўп эмас, бир миллиондан зиёд фикр-мулоҳазалар билдирилди. Уларнинг асосий қисми қўшимча ва тўлдиришлар, аниқлаштиришлардан иборат бўлди. Энг қувонарлиси, одамлар ташаббусларининг аксарияти ҳужжатда у ёки бу шаклда ўзи ифодасини топди.

Жами 5 та устувор йўналиш бўйича 100 та мақсадни ўз ичига олган “Ўзбекистон–2030” стратегияси билан яқиндан танишган ҳар бир юртдошимиз йилдан йилга тобора юксалиб бораётган мамлакатимиз ўз тараққиётининг наватдаги босқичида ҳам инсон манфаатларини кўзда тутган ҳолда илгарилар бори-шига ишонч ҳосил қилади. Яъни, ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароит-лар яратиш йўналиши қатор мақсадларни ўз ичига олган бўлиб, таълим тизимини такомиллаштириш, аҳоли саломатлигини сақлаш, ёшлар сиёсати, ижтимоий масалалар, маънавият соҳасидаги ислохотлар-га алоҳида эътибор берилган.

Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш йўналишида эса асосан ислохотларни янада чуқурлаштириб, аҳоли даро-мадларини ошириш, sanoatning энг самарали тар-моқларини ривожлантириш, банк соҳасидаги ўзга-ришларни жадаллаштириш, ташқи ва ички туризмни ривожлантириш каби мақсадлар ўрин олганини кўри-шимиз мумкин.

Яна бир устувор йўналиш бу – сув ресурслари-ни тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид долзарб вазифалардир. Сувдан фойдаланиш мада-ниятини ошириш кечиктириб бўлмайдиган иш ҳисоб-ланади. Шунингдек, “Яшил энергия” технологияла-рини кенг жорий қилиш, табиатга зиён етказишнинг ҳар қандай кўринишини қатъиян тўхтатиш натижаси ўлароқ иқлим ўзгариши билан боғлиқ глобал муам-моларнинг салбий таъсири масалаларини ҳам стра-тегиянинг ўқ илдизини ташкил этади.

Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизма-тидаги давлат бошқарувида тўлиқ эришиш бораси-да олиб борилаётган ислохотларнинг бардавонлиги мамлакатдаги хавфсизликка, тинчликка боғлиқ бўла-ди. Етти йиллик стратегияда ҳам ушбу мақсадлар алоҳида йўналиш сифатида ўз ифодасини топган. Бунда очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш, мудофаа салоҳиятини кучайтириш, жамиятда миллатлараро тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш ка-би қатор ташаббусларни ўз ичига олган аниқ режа-лар киритилган.

Шу билан бирга, “Ўзбекистон – 2030” стратегия-

сини 2023 йилда амалга ошириш чора-тадбирларида белгиланган муддатлар ва ижрочилар кесимидagi амалий вазифалар, эришиладиган кўрсаткичлар ва ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати ҳам тасдиқланган.

Президентимиз томонидан кейинги етти йилда таълим ва тиббиёт тизимларини тубдан ривожлан-тириш борасида илгари сурилган аниқ мақсадли режалар, фикрлар, таклифлар “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида акс эттирилиб, биринчи навбатда, ай-нан шу тизимлардаги ислохотларга асосий эътибор қаратилган. Мактабгача, мактаб, профессионал ҳамда олий таълимда амалга оширилиши режалаштирила-ётган муҳим кўрсаткичлар мустаҳкам ўрин олганлиги эътиборга молик. Жумладан, 2030 йилга қадар бола-ларнинг мактабгача таълим билан қамров даражаси-ни бугунги 80 фоиздан 100 фоизга етказиш белгилан-гани фикримиз далилидир.

Педагог кадрлар мақомини ошириш, уларнинг билими ва малакасини халқаро стандартларга муво-фиқлаштириш мақсадида 1 минг нафар тарбиячи ва ўқитувчиларни хорижий мамлакатларга малака оши-риш ва стажировкага юбориш, олис ва чекка худуд-ларда жойлашган 715 та умумий ўрта таълим муас-сасаси ўқувчилари учун бепул мактаб автобусларини йўлга қўйиш каби масалаларнинг аҳамиятини таъ-рифлаш шарт эмас, назаримда.

Илгари қамров даражаси бор-йўғи 9 фоиз бўл-ган олий таълимда бугун бу рақамлар 30 фоиздан ош-ди, стратегия лойиҳасида эса ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси камида 50 фоизга ет-казилиши белгиланаётганини кўришимиз мумкин. Бу борадаги яна бир муҳим масала – олий таълим му-ассасалари талабаларининг тураржойлар билан таъ-минланишидир. 2030 йилга қадар 150 минг ўринли айна шундай бинолар қуриб фойдаланишга топшири-лиши кутилмоқда.

Стратегияда аҳоли саломатлигини мустаҳкам-лаш, одамларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш масаласи ҳам давлатнинг энг устувор вазифала-ри сифатида қўйилган. Бунда аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлигини 78 ёшга етказиш, оналар ва болалар ўлимини қисқартириш, онкологик касалли-ларни камайтириш, ҳар йили икки мартаба 55 ва ундан катта ёшдаги аҳолини профилактик кўриқдан ўтказиш ва соғломлаштириш, тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасидаги муҳим мақсадли кўрсаткичлар киритилгани, айниқ-са, диққатга сазовор.

Мухтасар айтганда, “Ўзбекистон – 2030” стра-тегиясининг ҳар бир банди мамлакатимиз тараққиёти-га, халқимиз манфаатларига хизмат қилиши шубҳа-сиз. Демакки, бу ҳар биримизнинг ҳаётимиз учун жуда муҳим дастур ҳисобланади. Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, “Ҳамма ислохотларни, барча ҳаракатларни жамият билан бирга қиламиз. Ҳаммамиз бир куч, бир қудрат бўлиб халқимизга хиз-мат қилишимиз шарт”.



# АЁЛИНИ ЭЪЗОЗЛАЁТГАН ЮРТ ЮКСАЛАВЕРАДИ

Аёлларнинг жамияттаги мавқеини кўтариш, уларнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга оид малакаларини оширишга кўмаклашиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш юзасидан қилинаётган ишларда “Ишбилармон аёл – 2023” кўрик-танлови долзарб ўринга эга. Бугун яна анъанага мувофиқ сизларни танлов ғолибалари фаолияти билан таништирамиз.

## ✓ БУХОРО ВИЛОЯТИ

Иқлима Жўраева,  
“Фирдавс Амон Ўктам омади”  
МЧЖ раҳбари, “Ишбилармон  
аёл – 2023” кўрик-танлови-  
нинг ҳудудий босқичи ғолиби,  
“Шухрат” медали соҳиби



Тадбиркорлик билан шуғулланиб келаётганимга қарийб 30 йил бўлди. Ишни Ғиждувон тумани марказида оила аъзоларим билан бирга бино қуриб, аҳолига маиший хизмат кўрсатишдан бошлаганимиз. Орадан кўп йиллар ўтар-ўтмас рўйхатдан ўтказилган “Фирдавс Амон Ўктам омади” МЧЖга қарашли савдо мажмуаси фаолиятининг йўлга қўйилганлиги тадбиркорликни янада кенгайтириш имконини берди. Хуллас, 2019 йилга келиб “Голд Опель Фирдавс” МЧЖ тасарруфидagi шинам меҳмонхона-ни ишга туширишга муваффақ бўлдик. Бу ерда 40 дан ортиқ доимий иш ўрни яратилди. Шу тариқа хорижий меҳмонлар ва маҳаллий сайёҳларга намунали хизмат кўрсатиш асосий йўналишимизга айланди.

Зиёратчилар юртимизнинг ўзига хос флора ва фаунасига қизиқишини, ноёб табиати билан яқиндан танишиш истагида эканини, қолаверса, шаҳар шовқинидан узоқроқда маълум муддат дам олиш хоҳиш-истагини инobatга олиб, вилоятимизда экотуризмни ривожлантиришга қарор қилдик ва “Барака” МФЙ ҳудудида экомаскан ташкил этдик. 33 гектарлик ер майдонида 1 миллиард сўм ва USAIDнинг 31 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағи эвазига барпо этилган экомаскан кейинги фаолиятимизни янги босқичда олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этди. Чўл зонасида 40 мингга яқин турли-туман кўчатлар экилди. Дам олувчилар учун ўтовлар ўрнатилиб, меҳмонларга барча шароитлар яра-

тилди. Маҳаллий ва хорижий сайёҳлар 5 гектарда бунёд этилаётган сув ҳавзасида балиқ овлаши, хушманзара жойларни томоша қилиши, от ва туяларда сайр этиши мумкин. Менинг яна бир сеvimли машғулоти бор, бу – овчилик. Болаликдан бошланган бу қизиқишим раҳматли отамдан ўтган. Ма-на, 20 йилдирки, овчиликка меҳр қўйганман. Ўзбекистонда овчилик гувоҳномасини олган ягона аёл эканлигимдан фахрланаман. Ҳар гал табиат қўйнига чиққанымда унинг гўзаллигидан ўзгача баҳра оламан. Фусункор юртимизга сайёҳларнинг йил сайин қизиқиши ортаётганидан қувонаман. Бинобарин, инсон қадрли улуғланиётган бетақор, жаннатмонанд юртга садоқат билан хизмат қилишнинг ўзи олий бахт.

Имконим борича атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларига ҳисса қўшиб келяман. Яқинда маҳалламиздаги 1,7 километр йўлни қайта таъмирлаб,

асфальт ётқизишга кўмаклашдим. Маҳалламиз ҳудудига 2 минг туп гул кўчатлари экилишида ҳам бошқош бўлдим.


Оиламиз аъзолари билан икки йилча аввал яна бир хайрли ишга қўл ўрган эдик. Ташландиқ ҳолатга келиб қолган “Койнот” болалар оромгоҳи ҳудудини ободонлаштириб, ушбу масканни ёзги соғломлаштириш мавсумида болажонлар учун фойдаланишга топширишга муваффақ бўлдик.

Бунёдкорлик ишларини амалга оширишда, аввало, O'zLiDeP томонидан ишбилармон аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида турли кўрик-танловларнинг ўтказилиши иштирокчиларга ўзгача иштиёқ ва мотивация берапти.

Камтарона меҳнатларим ҳисобга олиниб, “Шухрат” медали билан тақдирланганим менда янги марраларни забт этишга, кўнглимга тугиб қўйган орзу-истакларимни тўлиқ амалга оширишга рағбат уйғотди. Зеро, аёли улуғланган юрт юксалаверади, дея бежиз айтилмаган.

## ✓ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Гулбаҳор ТОЖИМИРЗАЕВА,  
“NAMANGAN METALLURGIYA ZAVODI”  
лойиҳаси раҳбари, “Фаол тадбиркор”  
кўкрак нишон соҳиби,  
“Ишбилармон аёл – 2023”  
кўрик-танловининг ҳудудий  
босқичи ғолиби



Кейинги йилларда юртимизда янги давр бошланди. Қай соҳани олманг, халқ манфаатлари устувор қилиб қўйилмоқда. Раҳбар ва мутасаддиларнинг халқ билан мулоқот тизими йўлга қўйилди. Кичик бизнес эгаларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, аввало, мамлакат иқтисодини юксалтиришга замин яратса, яна бир жиҳати, аҳоли бандлигини таъминлаш, бозорларимиз тўкилишида ҳам жуда катта аҳамият касб этади.

Мен Хитойдаги “Шенгли” компанияси асосчиси-ман, 15 йилга яқин Хитойда яшаб, тадбиркорлик билан шуғулландим. Хитой бозорида маҳсулот ва технологияларни импорт, экспорт қилиш бўйича 8 йиллик тажрибага эгаман. Лекин кўнглим тубидаги бир ҳақиқатни айтишим керак: инсон қаерда ашмасин, ўзи тугилиб ўсган ватанига барибир талпинади. Ютуқларини она халқи билан баҳам кўришни истайдим. Бу мақсад бир дам бўлса-да, мени тарк этмаган. Аммо олис юртда Ўзбекистондаги ўзгаришларни кўриб-билиб ҳам фахрландим, ҳам ўз бизнесимни она юртимда йўлга қўйишни, халқимга ҳалол хизмат қилишни қалбимга тугдим.

Корхонамиз 2019 йилда ташкил топган бўлса-да, пандемия сабаб тўлиқ ишга тушиши 2021 йил декабрь ойига тўғри келади. Албатта, корхонамиз шароити мушкулроқ саноат соҳасида бўлса ҳам, лекин Намангандаги энг йирик лойиҳалардан бири ҳисобланади.

Шу кунгача вилоятда кичкина цехлар бўлган. Лекин профессионал даражада металлни қайта ишлаб, уни тайёр маҳсулот ҳолига келтириб, бозорга тарқатадиган, жаҳон талабларига мос келадиган завод бўлмаган. Аввал металл водийга Тошкентдан олиб келинарди. Энди эса яқингина жой Чустдан олиб кетиляпти. Бундан ташқари, биз бир йил давомида металлургия соҳасига қизиқувчи қўллаб ёшларни ўқитдик. Уларнинг ҳар бирига металлургиянинг сир-асрорлари ўргатилди. Ҳозирга келиб фахр билан айтиманки, ишчиларимиз печкага металлни солишдан тортиб, энг мураккаб амалиётларни ҳам пишиқ ва пухта бажаришмоқда. Лойиҳамизнинг истиқболи жуда катта, яъни мақсадимиз экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган рақобатбардор маҳсулотлар тайёрлаш, маҳаллий хомашё ва ресурслардан фойдаланиб, сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдир.

Лойиҳамизнинг умумий қиймати 50 миллион долларни ташкил этади. Утган йили қарийб 100 минг тоннага яқин маҳсулот ишлаб чиқардик. Бу биз учун жуда яхши кўрсаткич. Йилдан-йилга ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш режалаштирилган. Сифатли маҳсулотнинг албатта баҳоси бўлади. Шунга монанд равишда “ISO 140001” ҳамда “ISO9001” халқаро сертификатларини олишга муваффақ бўлдик.

Очиғини айтганда, кафолатланган имтиёз ва кенг имкониятлар берилган, асосийси, меҳнатингиз қадрланган Ўзбекистонимизда йўлка борми дунёда? Албатта, йўқ! Бу йил мен учун энг эсда қоладиган, бахтли йил бўлди. Боиси, “Фаол тадбиркор” кўкрак нишонига лойиқ кўрилдим. Бу эътироф менга жуда катта мотивация берди ва олдимга янги мақсадларни қўйдим. Шунинг учун ҳозирги кунда Европа сертификатини олиш учун

астойдил ҳаракат қилияман. Европа давлатларига ҳам маҳсулотларимизни экспорт қилиш галдаги режаларимиздан бири бўлиб турибди.

Тадбиркорнинг қалбида кучли иштиёқ, катта мақсад бўлиши шарт. Шунинг учун ҳам мен аввалига тадбиркорлик илмини чуқур ўргандим. Жаҳондаги йирик ишбилармонларнинг тажрибасини кузатдим. Хорижий тилларни билган тадбиркор тўрт поғона илдамроқ натижага эришиши мумкин. Албатта, бу жараёнлар осонликча кечмаган. Ҳозирги кунга келиб эса HSK6 энг юқори даражадаги хитой тили сертификатига эгаман.

Мустақиллигимизнинг 32 йиллиги байрами арафасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан ўтказилган “Ишбилармон аёл – 2023” кўрик-танлови ғолибаси бўлишим мени янада руҳлантирди. Ҳар бир ютуқ эса ўзига хос масъулият уюлгади. Модомики, ўз устимда янада мукамалроқ ишлаб, қатъий ҳаракат қилишга интиламан.

Аёл бир қўли билан бешикни, бир қўли билан дунёни тебратгани, деган гап бор халқимизда. Аёл уд-дабурон бўлса, ўз устида ишласа, вақтини тўғри тақсимлай билса, ҳаётида, фаолиятида ҳеч қачон ечимини йўқ муаммага дуч келмайдми. Менинг эндиги мақсадим иш ўринларини янада кўпайтириш. 400 га яқин ишчи-ҳодимларимизнинг аксарияти ёш йигитлардан иборат. Уларнинг қўли бугунгача Россия, Қозоғистонга бориб ишлаб, пул топиб, рўзгорини тебратган. Заводимиз ана шундай қўллаб ёшларнинг бандлигини таъминлай олди. Улар бугун яқинлари бағрида яшаб, даромад топяпти.

Мен ўзбек аёлининг неларга қодирлигини дунё кўришини истаيمان. Хорижда ўқиб олган билимларимни, тадбиркорлик бўйича тўплаган тажрибаларимни давлатимиз ривожини учун сарфлашга бел боғлаганман.

## ✓ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ



Гуллола МАҲКАМБОВЕВА,  
Андижон туманидаги Наврўз  
маҳалласида фаолият юритаётган  
оилавий тадбиркорлик корхонаси  
раҳбари, таниқли хўнараманд ва  
декоратив сунъий гуллар устаси

O'zLiDePнинг мен каби кўплаб тадбиркор опа-сингилларимизга рағбат бераётган ушбу танловда ғолиб бўлганимдан мамнунман. Декоратив сунъий гуллар яшаш билан шуғулланадиган оилавий корхонамизда 50 дан ортиқ хотин-қиз меҳнат қилади. Маҳсулотларимиз ички бозорларда анча харидоргир. Келажақда ташқи бозорга экспорт қилиш ниятидамиз.

Орзум нафақат маҳалладошларим, балки туманимизда истиқомат қилаётган юзлаб хотин-қизларни

иш билан таъминлашдир. Очиғи, кўпчилик аёллар бола боқиш, рўзгор ишларидан бошқасини билишмайди. Мен партия фаоли сифатида уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, бандлигини таъминлашни мақсад қилганман.

Бугун қайси соҳани олманг, ўша йўналишдаги ислохотларда хотин-қизлар фаол иштирок этаётгани айтиш ҳақиқат. Бошқача айтганда, шиддатли даврда ҳар бир масалага инновацион ёндашмасдан, креатив фикр юритмасдан туриб, ривожланишга эришиш мушкул. Айниқса, хотин-қизлар билан ишлаш ва уларга қўлай шароит яратиш жабҳасида бундай муносабат ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда, O'zLiDeP томонидан аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг оғирини енгил қилиш нуқтаи назаридан турли лойиҳалар таъсирчан тарзда амалга оширилмоқда.

Амалиётчи тадбиркор сифатида биз бундан хурсандимиз. Ва ана шундай танловлар янада кўпайиши та-рафдоримиз.

## ✓ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

М. УМАРОВА,  
Данғара туманидаги “BEKNUR CLASS”  
маъсулияти чекланган жамияти  
таъсисчиси ва “VODIY EXPO” МЧЖ  
раҳбари, “Ишбилармон аёл – 2023”  
кўрик-танлови ғолиби

– Корхонамиз 2021 йилда ташкил этилган бўлиб, асосан тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган жадал ислохотлар ҳамда биз тадбиркорларга яратиб берилётган улкан имкониятлардан умимли фойдаланган ҳолда кредит олиб, фаолиятимизни кенгайтиришга эришдик.

Бугунги кунга келиб, турли пайпоқларни четга сотиб, экспорт ҳажминини оширялмиш. Жумладан, Россия Федерациясининг “Гарлайн”, “Грентекс”, “Маркет Групп” каби корхоналари билан янги шартномалар тузиб, экспортбон маҳсулот ҳажминини сезиларли равишда оширишга эришдик.

